

Фаннинг умумий тушунчаси ва тарихи.

- Республикамиз мустақилликка эришгач, соғлом авлодни тарбиялаб ўстириш учун алоҳида аҳамият берилмоқда. Ёш авлоднинг ва умуман табиатнинг жонли қисмининг соғлом ўсиши табиатнинг жонсиз қисмини ташкил қилган ер, сув ва ҳавонинг тозалигига боғлиқдир.

- Шу сабабли Республикамиз президенти И.А.Каримов экологик муҳитни соғломлаштиришга ва Орол денгизи муаммосига алоҳида эътибор бермоқдалар.

- Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида **1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Қонуни тасдиқланди.** Олим, мутахассис ва сиёсий арбобларни экология ва соғломлаштириш муаммоларига жалб этиш, шунингдек, халқнинг экологик билимини ошириш мақсадида **1992 йилда**

- **Халқаро ЭКОСАН Жамғармаси ташкил этилди.** Республикамизда кейинги беш йил ичида табиатни муҳофазалаш, Орол денгизи, экологик таълим ва тарбия муаммоларига бағишланган халқаро ва республика илмий-услубий кенгашлари бўлиб ўтди; натижада экологик назорат кучайтирилиб, замонавий технология ва ишлаб чиқариш усулларига ўтиш ҳисобига чиқиндилар миқдорининг камайиши кузатилмоқда.

- Экология, фани ниҳоятда кўп тармоқлидир, масалан, биоэкология, гидрометеоэкология, саноат экологияси ва ҳоказо. Экологиянинг барча соҳа тармоқларини фақат битта соҳа мутахассиси ўзлашгириб олиши қийин.

- *«Экология» грекча сўз бўлиб, яшаш жойи ва муҳит ҳақидаги фан маъносини англатади.*

- Табиий муҳитни муҳофазалашда инсон фаолияти таъсиридаги Ер қобиғининг устки қисмини ташкил этган тоғ жинсларини,



- тупроқларни ва ер ости сувларини зарарли моддалар билан ифлосланишидан, ер сатҳи тузилишининг ўзгаришидан, сурилма, чўкиш, сел, тупроқ эрозияси ёки шўрланиш, ботқокланиш,

тупроқ эрозияси



- ер қимирлаш каби салбий жараёнлардан сақлаш, чора-тадбирлар белгилаш, ҳамда ер ости қазилма бойликларидан омилкорлик билан фойдаланиш табиий муҳитни муҳофазалашнинг геоэкологик асослари ҳисобланади.